*Маънавият ва маърифат*

# МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР, ТАЖРИБАЛАР

## Изланишлар ва ташаббуслар палласи

***Ўтган муддат мобайнида республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос модели яратилди. Ислоҳотлар кучли ижтимоий сиёсат билан уйғун, босқичма-босқич амалга оширилаётган жаҳон ҳамжамиятида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда, мамлакатимиз бу ҳамжамиятда ўз қадди-бастини тобора яққол ва ёрқин намоён этмоқда.***

***— Табиийки, замондошларимизнинг маънавияти, маънавий -ахлоқий фазилатлари алоҳида аҳамият ўрин тутади. Ҳозирги босқичда энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланувчи, муайян моддий ва молиявий замирга эга бўлган касаба уюшмалари маънавиятимиз ва маърифатимизни ривожлантиришга қандай ёндошмоқда? - "Туркистон" нинг жамоатчи мухбири касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгашининг раиси Муҳайё ТЎЛАГАНОВА билан суҳбатни шу савол билан бошлади.***

Бу вазифани шунчаки бир шиорлар, ҳавойи истаклар билан рўёбга чиқариб бўлмайди. Бунинг учун жамиятдаги меҳнатга лаёқатли ҳар бир шахс ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Биз маънавий соҳани йўлга қўйиб олмагунимизча, иқтисодий ютуқларга эришиш қийин бўлади". Масаланинг моҳиятини, аҳамиятини, ҳаммамизнинг буюк келажакни бунёд этишдан иборат муқаддас орзу - ниятлар олдидаги вазифаларимизни бундан ҳам аниқроқ, бундан тўлароқ баён этиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонуни асосида фаолият кўрсатиб, вилоят касаба ташкилотлари янги замоннинг маданий-маънавий баркамол, соғлом бунёдкорларини тарбиялашга муайян ҳисса қўшмоқда. Биз бу борада маданият уйлари ва саройлари, клублар, кутубхоналар, спорт-соғломлаштириш масканларининг ҳийла кенг тармоғига эгамиз. Албатта, жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, мавжуд танг ҳолатлар касаба ташкилотларининг мана шу муассасалари фаолиятига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Бугунги кунда касаба ташкилотларимиз 13 та маданият саройи уйига, 25 кутубхонага,23 киноқурилмага эга. Ўтган йили оммавий - маданий мақсадлар учун 3 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфладик.

**- Яқинда пойтахтда вилоятимиз маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган катта бир кенгаш ўтганлигидан хабардормиз. Унинг қатнашчилари қандай муаммолар хусусида фикрлашиб олишди?**

- Биз фаолларимиз билан бамаслаҳат Президентимизнинг "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармонидан касаба ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифаларни ҳал қилиш тараддудида эдик. Бу вазифани фақат кучлар ҳамда имкониятларни бирлаштириб, давлат ва жамоат ташкилотларининг саъй- ҳаракатларини мувофиқлаштирмасдан туриб, изчил ва самарали ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун касаба уюшмалари вилоят кенгашининг навбатдаги мажлисига "Камолот" , "Соғлом авлод учун", "Нуроний" ва бошқа жамғармалар, хотин-қизлар қўмиталари, давлат маданият муассасалари раҳбарларини ҳам таклиф этдик. Вилоят ҳокимлиги бошланган ҳаракатга яна ҳам аниқ йўналиш бағишлади, шу тариқа чиндан ҳам катта бир маслаҳат - кенгаш ўтказдик. Шу анжуманда касаба ташкилотлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида маънавий -маърифий ишларнинг яхлит бир дастури қабул қилинди.

**— Умуман вилоятда маданият муассасаларининг ҳозирги аҳволини қандай баҳолайсиз?**

— Халқимизда маънавий -маданий қадриятларининг илдизлари ғоят азалий ва теран. Кейинги йилларда бу хусусда кўп гапирилмоқда. Рўй-рост ва дадил айтиш керакки, эндиликда шунчаки фахрланишлардан амалий ишларга - аждодларимизнинг ибратли ва фойдали мерослари, анъаналари,тамойилларига муносиб бўлиш, мана шу бебаҳо қадриятларни замон руҳига мос равишда ривожлантириб, янги-янги авлодларнинг бахтли келажаги, муносиб турмушини яратишга хизмат қилдириш вақти келди.

Афсуски, худди шу ўринда биз қатор муаммоларга дуч келмоқдамиз. Аввало, бозор муносабатларига ўтиш даврининг муайян иқтисодий ва молиявий қийинчиликларини рўкач қилиб, халқимизнинг маданий ва маънавий баркамоллигига хизмат қилиб келаётган маърифат, маданият масканлари фаолиятини ночорлаштириб қўйиш ҳолларига эътиборни қаратмоқчиман.

Албатта, бу ҳолатнинг муайян сабабларини асло инкор этмоқчи, масалага бир томонлама ёндошмоқчи эмасман. Бюджетдан бошқа манбалардан маблағ ажратишдаги қийинчиликлар, аҳолига маданий хизматни ташкил этиш, маданият муассасалари ишларига ўзининг маълум салбий таъсирини кўрсатаётгани сир эмас. Натижада энг оммавий бўлган маданият уйлари ва саройлари, клублар ва кутубхоналар тармоғи қисқариб бормоқда.

Бугун шуни таассуф билан айтамизки, давлат тизимидаги мавжуд 12та кутубхона ва 13 та клуб биноси яроқсиз ҳолга келиб қолган. 200 тадан кўпроқ маданият муассасалари биноси тўла таъмирлашга муҳтож. 130 тадан ортиқ кутубхона тор, хоналарга жойлаштирилган, оммавий ишлар учун шарт-шароитга эга эмас. Клуб ва кутубхоналарнинг ярмидан кўпроғи қишки мавсумда иситилмайди.

**— Маданий-маърифий ишларни янги мазмун билан қайта жонлантириб юбориш имконлари борми? Маданият муассасаларимизни халқимиз маънавий камолотини шакллантиришга самарали хизмат қилдира оламизми?**

- Ташвишли, лекин оқилона саволлар. Мустақил она - Ватанимизнинг келажаги. 2000 йилдан кейинги салоҳияти мана шу саволларга ўринли жавоб топишимизга, ишни чинакамига ўнглаб олишимизга боғлиқ.

Истиқболни кўзлаб иш юритаётган мамлакатимиз раҳбарияти маданият, маънавият масалаларига эътиборни кучайтираётганининг асосий сабаби ҳам шунда. Бой маданий - маънавий меросимиз, халқимизнинг ибратли анъаналарини тиклаш, азалий қадриятларни тарбия ишига хизмат қилдириш ҳаракати кучаяётганлигини сезиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони шу эзгу-мақсад йўлида қўйилган янги бир қадам бўлди. Ушбу Фармонга биноан, маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналишига айлантирилди.

Маданият, маърифат ва маънавиятни юқори даражага кўтариш, умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш, миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтириш, меҳнатсевар, матонатли, ватанпарвар инсонларни камол топтириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Маданият муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш мақсадларига 13 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда маданий-маърифий ишларни ташкил этишнинг дастлабки тажрибаларини орттирилганлигини юқорида қисман айтиб ўтдим. Давлат ҳокимияти идоралари, маданият муассасалари, касаба уюшмаларининг вилоят кенгаши ва тармоқ қўмиталари,вилоят хотин -қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Камолот" ва "Маҳалла" жамғармаларининг вилоят бўлимлари, бошқа жамоат ва хайрия ташкилотлари юқори маданиятли жисмоний соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш йўлида муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги қийинчиликларга қарамасдан вилоятимизда маданий-маърифий муассасаларнинг яхлит моддий таркиби сақлаб қолинганлигини таъкидламоқчиман. Бугунги кунда биз барча ташкилотларга қарашли 388та клуб, маданият уйи ва саройи, 796 та кутубхона, 4та ўлкашунослик музейи, 3та хўжалик ҳисобидаги маданият ва истироҳат боғи, 39та болалар мусиқа ва санъат мактабини сақлаб турибмиз. Уларда 5 мингга яқин мутахассис хизмат қилади, шу жумладан 3 минг 300 мутахассис маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланмоқда.

Тошкент ГРЭСига қарашли "Энергетик" маданият уйи, Бекободдаги "Цементчи", Қуйи Чирчиқ туманидаги Отажонов номли жамоа хўжалиги клубларининг ходимлари айниқса ибрат кўрсатмоқда. Ёлғиз "Энергетик" маданият уйидаги 20дан кўп тўгарак ва ҳаваскорлик гуруҳларининг машғулотларида 250дан зиёд нурчилар ва уларнинг фарзандлари ўз қобилият ва маҳоратларига сайқал бермоқдалар. Клуб ходимлари пулли хизматлар кўрсатиш эвазига 72,5 минг сўм ишлаб топишди, бу маблағ тўгарак ва бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга сарфланди.

Чирчиқ "Трансформатор" заводи, Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларидаги "Металлург" маданият саройларидаги бадиий ҳаваскорлик ва ёшлар ижодиёти гуруҳларининг меҳнат жамоаларидаги чиқишлари ҳам олқишга сазовор.

Тошкент Давлат аграр дорилфунунининг "Гулшан" халқ ҳаваскорлик дастаси Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофотининг соҳиби, Қуйи Чирчиқ туманидаги Отажонов номли жамоа хўжалигининг болалар рақс дастаси "Намунавий" номга сазовор бўлди. "Ўзбекистон - Ватаним маним" кўрик-танловида касаба ташкилотлари маданият муассасаларининг жамоалари фаол иштирок этдилар.

**— Бошқа жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳақида нималар дея оласиз?**

— Аввало, хотин-қизлар қўмитаси маънавий-маърифий йўналишда изчил иш олиб бораётганлигини таъкидламоқчиман. Маълумки, Мустақил мамлакатимизда уларнинг нуфузини кўтариш йўлида кўп иш қилинмоқда.

Хотин-қизлар қўмитамиз аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш дастурини амалга оширишга киришиб, ниҳоятда савобли ишни бошлаб берди. Кўплаб аёллар фойдали меҳнатга жалб этилмоқда, касб ўрганиш йўлга қўйилмоқда. Йирик саноат корхоналарининг айримларида аёлларнинг иш соатлари нисбатан қисқартирилишига эришилди.

Қўмита "Соғлом авлод учун" , "Камолот", "Маҳалла" жамғармаларининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказмоқда. "Маънавият ва маърифат , таълим-тарбия ва хотин-қизлар" дастури доирасидаги ишлар айниқса ибратлидир.

"Камолот" ёшлар жамғармасининг вилоят бўлими йигит-қизларни баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш борасида тобора изчил ва самарали фаолият кўрсата бошлади. Шаҳар ва туманларда ёшларнинг 946та жамоатчилик марказлари тузилди. Улар 540 минг йигит-қизни бирлаштириб турибди.

Жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ёшларни маданий ва маънавий қадриятларни чуқур ўзлаштириб олиш, меҳнатсеварлик ва ишбилармонлик, аждодлар анъаналарига садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда, янги иш жойларини ташкил этиш, касбларга ўқитиш ва иш билан бандликни таъминлашда барча манфаатдор ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилмоқдалар. "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Соғлом авлод учун" "Маҳалла" жамғармалари: вилоят касаба уюшмалари кенгаши билан ҳамкорлик режаларини бажаришга киришилди. Хотин-қизлар қўмитаси, Амир Темур экспедицияси иштирокида илмий-амалий конференция ташкил этилди. Ёшлар сайллари, муаллиф қўшиқчилар танловлари яхши натижа берди.

**- Лекин бугун бу муҳим ишдаги нуқсонларни, камчиликларни кўрмаслик, бугунги муаммоларнинг бутун чигаллигини аниқ ҳис этган ҳолда уларга ечим изламаслик мамлакат келажагини, бутун бир миллат истиқболини инқирозга, гумроҳликка маҳкум этиш билан баробар.**

- Тўғри айтасиз. Раҳбарият, турли жамоат ташкилотлари масалага мана шунинг учун ҳам алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Ҳозирги мураккаб аҳволни такрорлайверишдан, фаолиятни яхшилашга қаратилган қуруқ даъватлар, чақириқлардан амалий ишларга қатъият билан ўтиш пайти келди. Ахир, Бўка, Бекобод, Янгийўл туманларидаги,Красногорск қўрғонидаги шинам, салобатли маданият саройлари, клублар қачонгача бўмбўш, ҳувиллаб ётади? Касаба ташкилотлари, жамоа хўжаликларининг маданият муассасаларига ким услубий ва амалий ёрдам кўрсатади?

Маданият муассасаларининг иш йўсинида, мазмун ва моҳиятида кескин ўзгариш юз бермас экан, фаолиятсизлик давом этаверади. Тошкент туманидаги хўжаликларнинг 8та клубида 12 та тўгарак ташкил этилган холос. Уларнинг машғулотларига бор-йўғи 128та киши қатнашмоқда. Бўстонлиқ туманидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Чиноз туманидаги С. Раҳимов номли, Эрназаров номли жамоа хўжаликларининг клубларидаги аҳвол бундан ҳам ночор.

**- Бу муаммоларга ечим топиш мумкинми?**

- Бўлмасамчи! Аввало, маблағ топишнинг қўшимча имкониятлари, манбалари хусусида.

***БИРИНЧИДАН.*** Маданият муассасаларининг пулли хизматлари ва тижорат ишлари мана шундай манба бўлиши мумкин. Ахир, рақамларга қаранг. Кейинги йилда пулли хизмат ҳажми вилоятимиз бўйича бир ярим баробардан зиёд ўсди. Олмалиқ,Янгиобод,Зангиота,Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Паркент маданият ходимлари бу борада айниқса фаоллик кўрсатмоқдалар. Зангиота туманида бу хизматнинг ҳажми 2 баробар ўсиб, даромад 500минг сўмдан ортиб кетди. Олмалиқ ва Янгиобод шаҳарларида бу кўрсаткич 3 баробардан юқорироқ бўлди.

***ИККИНЧИДАН.*** Ҳомийлик қўшимча маблағ жамғаришининг айниқса,серсамара манбаидир. Бу ўринда ҳомийлик ёрдамини кенгайтиришга жиддий тўғаноқ бўлиб турган бир муаммони айтиб ўтмоқчиман. Бу - ҳомийлар ёрдамида мусиқа асбоблари, жиҳозлар,кийим-кечаклар олишни пул ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмаслигидир.

Энди маданият муассасалари ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратлари, маблағ ва воситаларидан оқилона фойдаланиш учун ҳамкорликни кучайтириш хусусида. Вилоят касаба ташкилотлари олдимизга қўйилган вазифаларни тўла-тўкис бажариш учун барча ташкилот ва идоралар билан баҳамжиҳат ишлашга доимо тайёрлар. Ўйлайманки, вилоят кенгашида қабул қилинган дастур ҳар бир муассаса, жамғарма ва бўлимлар ўзаро ҳамкорлигининг туташ нуқталарини топишда муҳим аҳамият касб этади.

**Суҳбатдош : Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот ва ахборот шўъбасининг мудири**

*Фахр*

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАБ"...

Автобусда Андижонга кетяпмиз, йўл олис. Аксига олиб ёнимдаги Оврупалик йигит экан. "Туркистон" газетасининг янги сони қўлимда. Хаёлим эса мени аллақачон қишлоғимга олиб кирган.

Қалин инглиз тилидаги китобни ҳамроҳим тинимсиз ўқиб келаяпти. Шу кайфиятда анча йўлни ҳам босиб қўйдик. Китоб ўқишдан бош кўтариб. — майлими газетангизни бир кўрсам - деди шеригим. Ҳайрон бўлиб газета тутқаздим. Раҳмат, дея унга кўз югуртира бошлади. Бир икки жойда ёндафтарчасига инглиз тилида сўзлар ҳам ёзиб қўйди. Баъзи мақолаларни икки марталаб ўқиб чиқди. Менинг эса ҳайратим янада орта бошлади.

- Кечирасиз исмингиз нима? Саволга тута бошлади ҳамроҳим.

- Исмим Феруза.

- Тошкентда ўқийсизми?

- Ҳа...

- Менинг исмим Элдэр Тэд (Тоҳиржон). Америкаданман. Андижонда Тараққиёт Марказида ишлайман.

- Соф ўзбек тилида гапиришингиз?..

- Ўзбекистонда яшаб, бу ернинг тилини билмаслик, бу халққа ҳурматсизлик бўлади бизнингча.

Бизнинг суҳбатимиз қизигандан қизиди. Ҳамроҳим туғилиб ўсган ватани, АҚШ ҳақида, у ернинг кишилари, матбуоти ва бошқалар ҳақида тўлқинланиб гапирарди.

Манзилимга етиб келгач, биз Тоҳиржон раҳбарлик қилаётган Андижон Тараққиёт Марказида учрашишни белгилаб хайрлашдик.

Андижон шаҳрининг марказида жойлашган Андижон Тараққиёт Марказига борганимда чеҳраси очиқ, самимий, асли инглиз, лекин ўзбеклардан сира ажратиб бўлмайдиган кишилар кутиб олдилар.

Салом-аликдан сўнг эски танишим Тоҳиржон Марказ ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди:

— Андижон Тараққиёт Маркази — бу Марказий Осиёга беғараз ёрдам (CAFE) ташкилотининг Андижон вилоятидаги бўлими ҳисобланади.

Бу инсонпарварлик ташкилоти Ўзбекистон билан Ғарб давлатлари орасидаги ўзаро муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи ташкилот.

CAFE ташкилоти 1991 йилдан буён ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз эса Ўзбекистоннинг Андижон вилоятига иқтисодиётни, тиббиётни ва маорифни ривожлантиришга ҳисса қўшишдир.

Ҳозирги кунда Андижондаги АТМ ташкилотимизда бешта чет эллик фуқаро фаолият кўрсатмоқда.

- Уларни яқиндан таништириб ўтсангиз?

- Улар турли мамлакатлардан келган турли соҳа кишиларидир. Масалан:

Тадбиркорлик бўлими бошлиғи: Сиберхоғин Жэрэмий (Жамолиддин) Жанубий Африкадан,

Тадбиркорлик консултанти: Макриндин Пэтэр (Пўлатжон) Австралия,

Инглиз бўлими: Олсон Ўса (Озодахон) Швеция,

Тиббиёт бўлими бошлиғи: Элзворт Дон (Дониёр) АҚШдан.

- Улар қандай режалар асосида иш олиб борадилар?

- Тиббиёт бўлими маҳаллий докторларни тайёрлаш учун оилавий амалиёт практикуми дастурини бошлаш, замонавий инглиз тилидаги тиббиётга оид кутубхона билан хизмат кўрсатиш, Андижон вилоятига тиббий жиҳозлар ва ускуналарни имкон доирасида ҳадя сифатида етказиб туришни таъминлайди.

Кичик бизнесни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқарув, хизмат кўрсатиш соҳаларида консультациялар бериш ва ишбилармонларга шу мақсадлар учун қарз ва кредитлар олишида ёрдам бериш, қўшма корхоналарни ва экспорт имкониятларига эга бўлган корхоналарни алоқа ва маълумот билан таъминлашдан иборатдир.

- Мана беш йилдан буён Ўзбекистонда яшаяпсиз. Кўнглингиздан нималар кечади?

- Ўзбекларнинг ниҳоятда соддадил, камтарлигидан ҳайратланаман. Оилам, 3 фарзандим билан ўзбеклар маҳалласида яшаймиз. Уларнинг тўй-ю, маракасида, яхши-ёмон кунларида доимо биргаман. Улар ҳам биздан ҳеч қачон ўз маслаҳатларини, ёрдамларини аямайдилар.

Маҳалланинг нуроний отахонлари фарзандларимизни ўз набираларидай кўради.

1995 йилда ота-онам Андижонга келди, бу ернинг меҳмондўст, ажойиб кишиларини кўриб анча хурсанд бўлдилар.

Биздан ҳам ортиқ меҳр кўрсатаётган ўзбек халқига таъзим қиламан—деб ўз хурсандчиликларини билдириб кетдилар.

Бугунги иқтисодий ўтиш даврида Ўзбекистонга беғараз ёрдам кўрсатаётган чет эллик бирадарларимиз кўплаб топилади.

Уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирар эканмиз, ишларига улкан ютуқлар тилаймиз.

**Феруза ОРИПОВА**



*Миллий қадриятлар*

*Суратда:термизлик уста Абдураҳмон ота набираси Абдусатторга ўз касби сирларини ўргатмоқда*

# АСКАРЛИК ҲАМ БАХТ

Аскар бўлишнинг ўзига яраша машаққатлари, қийинчиликлари бор. Мана шу қийинчиликларга чидаб, уни енгиб ўта олган йигитгина ҳақиқий аскар бўла олади. Бошланғич ҳарбий таълимни яхши эгаллаб олган аскар, кейинги хизмати давомида қийналмасдан хизмат қила олиши мумкин.

Айни пайтда республикамизнинг турли вилоятларидан чақирилган ёшларни ҳарбий илмга тайёрлаш қизғин давом этмоқда.

Ёш аскарларга аскарликнинг сиру-синоатларини ўргатишда зобитларимизнинг хизматлари катта. Биз вилоят ҳудудидаги ҳарбий бўлинмада бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Зобитлардан капитан А.Сатторов, капитан М.Тўлаганов, лейтинант Б.Полтаохуновлар ёш аскарларга эринмасдан аскарлик сирларини ўргатишда бошқаларга ўрнак бўлаяптилар. Юқори малакали зобитлар ҳарбий техниканинг баъзи турлари бўйича мунтазам машғулотлар олиб бормоқдалар. Бу машғулотлар ёш аскарларни жисмонан чиниқтиришга, маънан юксалтиришга ва чинакам Ватан ҳимоячилари сифатида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ёш аскар Р.Сувонов билан суҳбатлашганимизда у аскарлик бахтига эришганидан хурсанд эканлигини айтди. Шунингдек, уларнинг ҳарбий билимни пухта эгаллашлари ва ҳарбий техника сирларини етарли даражада ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганидан мамнун эканлигини изҳор қилди. Ёш аскарларнинг суҳбатидан шу нарса маълум бўлдики, улар аскар бўлишни чинакам бахт, йигитлик шарафи, деб билишаркан.

Биз ҳам ёш аскарларга куч-қувват, сабр-бардош, мустаҳкам соғлиқ ва омад тилаб қоламиз.

**Одилжон ИБРОҲИМОВ**

*Акс-садо*

# МАКТАБНИНГ "БЕШ"И...

Мен бултур мактабни аъло баҳоларга битказдим. Ёшликдаги орзуим ўқитувчи бўлиш эди. Бухоро Давлат Педагогика институтига ҳужжат топширдим. Мактабдаги "5" ларимга ишондим. Орзулаган кунларим келди. Тест синовларини топширдим. Афсуски, омад мендан юз ўгирди. Қишлоққа қайтиб, ўқишга киролмаганимдан эмас, аъълочилигимдан уялиб юрдим. Солиштириб кўрсам "5" ларим институтнинг "2" сига ҳам тўғри келмас экан. Ўша кунлар ўзимдан эмас, балки мени кўкларга кўтарган, мукаммал илм бермаган ўқитувчиларимдан роса хафа бўлдим. Ахир, менинг ўқитувчиларим орасида ҳам кўр-кўрона дарс ўтиб, бозорга тирикчилик учун югурадиганлари бор эди-да.

Яқинда Президентимизнинг "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш" комиссияси йиғилишида бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлиши кераклиги ҳақида билдирган фикрлари мени роса қувонтирди. Ўйлайманки, Президентимизнинг айтган ҳар бир сўзлари ўз эгасини топади. Менинг укаларим, сингилларим мендан кейин мактабнинг "беш"ига ишониб, уялиб қолмайди. Зеро, юртбошимиз айтганларидек бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас.

**Гўзал НУРОВА,**
**Когон тумани**

*Социология ва ҳаёт*

# ЁШЛАР ВА ЖАМИЯТ

Мамлакатимизда, унинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ёшларнинг ўрни беқиёсдир. Давлатимизнинг тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги ва келажаги ёшларнинг шижоатию билими, маънавий баркамоллиги ва фаоллиги, меҳнатсеварлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ёшлар ҳеч қачон "ёввош", ўзининг ёғига ўзи қовурилган авлод бўлган эмас, улар доим жамиятнинг фаол қисми бўлиб келган. Ижтимоий адолат ва тараққиёт ғоялари ёшларни келажакка ундаган.

Мустақиллик даврида мамлакатимизда мутлақо янги ёшлар сиёсати шаклланa бошлади, ёшларнинг турли ижтимоий жамғармалари фаолият кўрсатмоқда. Кундан кунга улғаяётган авлоднинг муаммоларини ўрганиш ва шу асосда уларнинг ечимини топиш эҳтиёжи тобора ортмоқда.

Ёшликни катта авлоднинг шаклланишидаги бир давр сифатидагина баҳолашга ўрганиб қолгандик.

Ёшларнинг жамиятга кириб келиш жараёнларини, яъни социологлар тили билан айтганда ижтимоийлашуви қай тарзда кечиши, бунда ижтимоий муассасаларнинг қай бири аҳамиятли эканлигини билиш талаб этилади. Қолаверса ёшларнинг жамиятда шаклланаётган қадриятларга муносабати, орзу-армонлари, ёшлар ҳақиқатдан ҳам янги авлодми, улар жамиятни биз билан бирга такомиллаштиришга қодирми деган саволлар туғилиши табиий.

Кўпгина социологлар ёшларни жамият ичидаги ёш жиҳатдан фарқланувчи бир гуруҳ сифатида тушунадилар. Ҳақиқатан ҳам даврлар (болалик, ўспиринлик, етилиш, қарилик) нафақат биологик, балки ижтимоийлик хусусиятларига эга. Бу омиллар биргаликда инсоннинг шаклланишини белгилайди, унинг қобилиятини, онгини ва муаммоларини ташкил этади. Шарқда ёши улуғлар ҳаётий тажрибасининг ёшларга таъсири беқиёсдир. Бошқача айтганда ёш омили катта обрў касб этади.

Хўш, ёшлар деб кимга айтилади? Кўпгина социологларнинг фикрича, ёшлар - биологик жиҳатдан етукликка эришган, лекин жамият томонидан ҳали ижтимоий етук, деб эътироф этилмаган ўсмирлар гуруҳи. Шунингдек, жинсий жиҳатдан етилган, лекин ҳали оила қурмаган, таълим олган, лекин ҳали аниқ касбий маррага эришмаган, маълум ҳуқуқларга эга, аммо ҳуқуқий етукликка эришмаган, ўз сиёсий вазифаларини англаган, аммо бирор бир аниқ сиёсий позицияга эга бўлмаган гуруҳ тушунилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ёшлар учун касбга йўналганлик ва касбий тайёргарликка интилиш ҳозирда муҳим ҳаётий аҳамиятга эга ва уларнинг тафаккур ва хулқида асосий мазмун касб этади. Айнан шу фаолият билан ёшлар ўзларининг жамиятдаги ижтимоий ўрнини кўрмоқдалар. Бошқача айтганда, кўча чангитиб юрувчи, бўш вақтини қандай ўтказишни билмайдиган кўчабезорилар эмас, жамиятдан ўз ўрнини излаётган, ишлаб, иш вақтини фойдали ўтказишга уринаётган ўсмирлар ёшларимизнинг ҳозирги қиёфасини белгиламоқда.

Ишчи ёшларни ўз меҳнат фаолиятларига муносабат жиҳатидан уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни ўз касб фаолиятларида номоддий қизиқишлар устувор бўлган ёшлар ташкил этадилар. Уларга сиёсий ва ижтимоий қизиқишлар ҳам хосдир.

Иккинчи гуруҳ ёшлар кўпроқ моддий омилларга, иш шароитларига эътибор беришади.

Ўз қизиқишларини бўш вақтларида амалга оширишга мойил ёшлар учинчи гуруҳни ташкил этади. Улар учун кўпроқ вақтнинг мазмуни қизиқарлидир.

Ёшларнинг юқори даражадаги малака ва обрў-эътиборли касб эгаллашларига интилишлари табиий. Аксарият ўқувчи ёшларнинг бўлғуси касб танлашларида ота-оналар, ўқувчилар ва жамоатчилик фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кўпгина ёшлар уларнинг таъсирида ўзларининг бўлғуси ижтимоий мавқелари асосан уларнинг қобилиятлари, ўқишдаги ютуқларига боғлиқ эканлигини тўғри англашади. Лекин омадга, ота-онасининг ёрдамига кўз тутувчи ўсмирлар ҳам топилади.

Умуман олганда касб фаолияти ва таълим тизими ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёнининг икки асосий соҳаси бўлиб, ёшларнинг катталар дунёсига муттасил кириб боришларини, жамиятдаги устувор қадриятларини эгаллашларини белгилайди. Бошқача айтганда оила, давлат ва жамият ёшларни қанчалик касб-ҳунар эгаллашлари ва билим олишларига эътибор берса, ёшлар шунчалик бизга эргашади. Аксинча, бу масалаларда ёшлар қанчалик бизнинг ёрдамимизга зориқсалар, улардан кутган нарсаларимиз шунчалик кутилмаган бўлади. Ёшлар келажагига бепарво ота-оналар ўзлари хоҳламаган равишда жамиятга ё авлодни шакллантириб қўядилар ва кейинчалик ўз зурриётларини тушунмай юрадилар. Фарзандлар ота-оналарини севишлари, улардек бўлишга уринишлари учун катталар уларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши, уларнинг яхши ва ҳар тамонлама тарбияси учун захмат чекиши зарур. Ўзи учунгина яшайдиган ота ёки онадан худбин, исёнкор, одамбезори фарзандлар етишиб чиқса, бунинг ҳеч ажабланарли томони йўқ. Уйида назорат қилинмаган ўспирин кўча-кўйда, жамоатда ҳам ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бермайди, у жамиятда мавжуд ижтимоий ва сиёсий қадриятларга қарши боради, жиноятчи ва ижтимоий хавфли ёшлар гуруҳларини тўлдириб боради. Ичкиликка, гиёҳвандликка мойил ўсмирлар қаердан келиб чиқишидан олдин уларнинг ота-оналарига разм солиш зарур. Буни социологик тадқиқотлар натижалари кўрсатмоқда. Социологларнинг фикрига кўра, жамиятга ёт ўспиринлар кўпинча яширин гуруҳларга бирлашишга, бунда ўз тенгқурлари билан ошна-оғайнигарчилик асосида кичик гуруҳларни ташкил этишга мойил бўладилар ва ўзларининг ҳаёт тарзларини жорий этадилар.

Юксак маърифатли, улкан салоҳиятли, муносиб авлодни тарбиялаш жамиятнинг ёшлар учун яратаётган имкониятларига боғлиқ. Биз атайлаб оила демаяпмиз. Чунки янги авлодни тарбиялаш - бутун жамиятнинг иши. Бунда ота-оналар, болалар боғчалари, мактаб, маҳалла, ўқув юртлари, хуллас тарбия ва таълимга дахлдор барча ижтимоий муассасалар бирдай қайғурмоғи ва ўз улушини қўшмоғи зарур. Президентимиз ҳозирда таълим-тарбиянинг ана шу янги фалсафасини жамиятимизга таклиф қилмоқда. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган "Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари" анжумани иштирокчиларига йўллаган мурожаатида ҳам таъкидлаб ўтди. Зеро, миллий ва жаҳон тажрибасини умумлаштириб кўрганда ҳам бу энг мақбул йўл. Ёшларни ишонтиришнинг йўли ҳам шу. Улғайиб вояга етганларидан сўнг фарзандларнинг таъна тошларига дучор бўлмаслик учун биз жамият сифатида барча имкониятларимизни - тарбия ва билимларимизни улардан дариғ тутмаслигимиз керак.

Кўпгина ғарб мамлакатлари ёшлар тарбиясига вақтида эътибор бермай, энди унинг жабрини тортмоқдалар - уларда аллақачон жамиятга бегона, унга баъзан очиқдан-очиқ, баъзан яширин қарши турувчи ва исён қилувчи авлоднинг бир қисми шаклланиб бўлган. Бунинг сабаби оиланинг мустаҳкам эмаслиги, таълим бошқаю тарбия бошқа деб билиш, маҳалла каби тарбия масканларининг сустлиги ҳамдир. Бизда азалдан оила мустаҳкамлигига эътибор бериб келинган. "Маҳалланг - ота-онанг" деган нақл урф бўлган. Мана энди мустақил бўлгандан сўнг давлатимиз ҳам таълим-тарбияга ўз улушини қўшмоқда. Президентимиз кўп маротаба таъкидлаётганидек, энди бутун жамият биргаликда бу соҳада ҳаракат қилмоғи зарур. Жамиятнинг ўта муҳим, лекин ўзига хос бўғини бўлган ёшлар тарбияси ва таълими барча давлат ва бошқарув органларининг, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналарнинг эътиборида бўлмоғи керак. Ёшларимиз ҳам ҳавас қилса аризигудек. Лекин бозор муносабатларининг долғали даврида жамиятимизнинг деярли ярмини ташкил қилувчи ўспирин ва ёшларга далда бўлиш, уларни тўғри йўлга солиш, кўмагу мадад бериш катталарнинг бўйнидан соқит қилиб бўлмайдиган бурчидир.

Жамиятдаги муносабатларни ташкил қилиш шаклларига нисбатан ёшларнинг муносабати ҳам социологларни анчадан буён қизиқтириб келади. Ғарб социологлари ёшларнинг акс таъсири, яъни реакцияси уч хилда - эркинликка интилиш, қаршилик кўрсатиш ва чекиниш имкониятларида намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар. Булар ғарб ёшларининг жамиятга кириб боришидаги қийинчиликларини ифодалайди. Ёшларнинг эркинликка интилиш ва қаршилик кўрсатиш эҳтиёжлари сўллар ҳаракатида, экология ва қуролсизланиш ҳаракатларида, чекиниш имкониятлари руҳий ҳаракатларда намоён бўлмоқда. Хусусан, ёшлар ўртасида диний ҳаракатлар жонланмоқда. Бундай ҳаракатлар асосан ёшлар жамиятдан, давлатдан, оиладан бегоналашган, катталар дунёси жиғига теккан ғарб мамлакатларида анча кенг тарқалган. Бизнинг ёшларга бундай нарсалар ёт. Аммо мамлакатимиз дунёга юз тутаётган, халқаро инсонлараро муносабатлар кенгайиб бораётган ҳозирги даврда айрим ёшларимизнинг хорижлик сохта дин тарғиботчилари таъсирига тушиб қолишларидан эҳтиёт бўлмоғимиз, денгиз ортида анчайин кенг тарқалган таркидунёчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ёшларнинг гуруҳий носоғлом кўринишлари (панклар, рокерлар, фанатлар ва ҳоказо) кайфиятларидан уларни авайлаб-асрашимиз шарт.

Ёшларнинг ижтимоий қиёфасини бир сўз билан таърифлаш қийин. Уларнинг ҳаёт тарзининг ўзига хос мураккаблиги, ижтимоий қадриятлари ва эҳтиёжларининг ранг-баранглиги, ривожланиш йўналишларининг кенг қамровлиги шунга мос равишдаги муносабатни талаб этади. Ёшларни тазйиқ билан жамиятга сингдириш эмас, тарбия ва таълим бериш санъати билан янги жамиятимиз жамолига маҳлиё эта олишимиз зарур. Ёшлар бефарқ авлод эмас, балки шаклланаётган инсонпарвар жамиятимизнинг таркибий қисми, унинг иштирокчиси ва яратувчиси, қарор топаётган ҳуқуқий ишончи, маънавияту маърифатимиз таянчи бўлган ўғил-қизларимиздир.

**Абдуғани ХОЛБЕКОВ,**
**фалсафа фанлари номзоди**

